

маъноси-мазмуни ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳар қандай шакл остида муайян маъно ётиши узоқ даврлардан буён ҳаммани қизиқтириб келган. Маънонинг торайиши ва кенгайишига дастлаб, лингвистик асослар, иккиламчи тарзда экстралингвистик асослар таъсир этади. Лингвистик асосларни бутун лексик система ҳодисалари ташкил этади. Айниқса метафора, метонимия, синекдоха, вазифадорлик, троплар, симфора, гипербола, литота, эпитет, ирония, перифраз, ўхшатиш, полисемия, моносемия, оккозионализм, конверсиялар, энантисема каби ҳодисаларнинг таъсири орқали маънонинг ўзгариши ўзига хос тарзда кечади. Шунинг унутмаслик керакки, маънонинг ўзгаришига бир вақтнинг ўзида ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик асослар таъсир этади. Юқорида келтирилган парчанинг французча таржимаси маданий маълумотлар асосида юзага келган. Яъни “ҳашар” сўзининг умумий маъноси “**projets en collaboration avec des auteurs**” тарзида берилган.

Яна бир мисол ўзида миллий колоритни акс эттириб келган:

Ўзбек тилида: - Негаки ишни ўзингиз бажаргандан

Адабиётлар

1. Авеличев А.К. Метафора и контекст. Вест. Моск. Ун-та. Сер.10. Филология. 1974, №3, - С. 30-40.
2. Гюлюмянс К.М. Образное употребление названий животных в сравнениях и метафорах.
3. Қобулжоннова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини., фил.фанлари номзоди...диссерт., -Тошкент: 2000.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.V том. -Т.: Давлат илмий нашриёти. 2006.
5. Ибрагимов Х., Мансуров У. Французча-ўзбекча луғат. -Т.: “Нихол”, 2008.
6. Эркин Аъзам “Шовқин”, - Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 189-б.
7. Erkin A'zam « Adieu aux contes de fées », traduit par Shaazim Minavarov. –Tachkent: 2015, -P. 280.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада метафоралар таржимасига хос масалалар таҳлил этилган. Ушбу кўчим турининг адекват таржима қилинишида тўлиқ матн моҳиятини англаш муҳим аҳамият касб этиши очиб берилган. Шунингдек, таржима назарияси мутахассисларининг ушбу муаммага оид фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Метафора мураккаб кўчим бўлиб, унинг таржимаси алоҳида эътибор талаб этади. Мақолада қайд этилган таҳлиллар метафора таржимасида унинг миллий-маданий хусусиятлари контекст орқали яққол намоён бўлиши бадий асарлардан келтирилган мисоллар орқали акс эттирилган. Матн таркибида келувчи сўзнинг қандай кўчим асосида юзага келишини компонент таҳлил орқали яққол кузатиш мумкин. Зеро, таҳлилнинг ушбу тури кимёвий моддаларни бир-биридан ажратиб ўрганилганидек, сўзларнинг ҳам бир қанча семаларини алоҳида-алоҳида, чуқур таҳлил этишга хизмат қилади. Худди шунингдек, метафора турларини компонент таҳлил этадиган бўлсак, хилма-хил қонуниятларни ўз ичига олган назарияларнинг умумий жиҳатларини кўриш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается анализу стилистического приёма метафоры в тексте художественной литературы. Рассматриваются также вопросы перевода метафоры и роль контекста в переводе. На основе анализа отрывков из художественных произведений известных узбекских писателей в переводе на французский язык показано, как передаются метафоры, отражающие национальную культуру.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of a stylistic device metaphor in the literary text. The author also studies the issues of translation of metaphor and role of the context in translation. On the basis of the analysis of extracts from the works of the famous Uzbek writers and their translation into French, it has been shown metaphors, reflecting the national culture.

ДИАЛОГ ТАРЖИМАСИДА ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

К.Ю.Ташанов - филология фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: қаҳрамон характери, характер қирралари, диалог, драматик вазият, аслият, таржима, сўзма-сўз таржима.

Ключевые слова: характер героя, черты характера, диалог, драматическая ситуация, оригинал, перевод, буквальный перевод.

Key words: character of the hero, character traits, dialogue, dramatic situation, original, translation, literal translation.

Ёзувчи воқеликни бутун мураккаблиги, чигалликлари билан тасвирлар экан, қаҳрамонларни ҳаётнинг ўзидан олиб воқеалик юзага келтирган муаммоларни уларнинг ҳаракатлари, ҳис-ғуйғулари ва интилишларида тасвирлашга ҳаракат қилади. Уларнинг қай даражада ҳаққонийлиги конфликт ва ғоявий-мавзу моҳиятининг ҳаётийлигини таъминлайди. Рус адабиётшуноси В.А.Кухаренко бадий наср матни таҳлилида муаллиф ва қаҳрамон нутқини: а) *Муаллиф нутқи*; б) *диалог*; в) *ички нутқ*; г) *ўзиники бўлмаган - ўзлашган нутқларга* ажратиб қарайди. [4:133]

Биз шу таснифга асосланиб диалог ва уни таржимада қайта тиклаш муаммоси тўғрисида тўхталамиз. Бу масалани *диалог-вазият*, *диалог-характер*, *диалог-миллий характер* сингари йўналишида таржимада қайта тиклашни имкон қадар ёритишга уринамиз.

кўра, унга ҳайбарақаллачилик қилмоқ, бошчилик қилмоқ осон ҳам мароқли. Бу эса **шундай ширин, шундай мазали бир нишолдаки, ялай туриб** ҳар қандай қаламни синдириб отгингиз келади [6:11].

Француз тилида: - C'est toujours **plus confortable de diriger une entreprise** plutôt que de faire le travail soi-même [7:9].

Парчанинг француз тилидаги таржимасида миллий маданиятга оид сўз “нишолда” тушиб қолдирилган, натижада асардаги ўзига хос миллий хусусият хиралашган. Таржимада миллийликни ифодалаш таржимонда чуқур билим ва тажрибани талаб этади. Тушиб қолдирилган миллий маданиятга хос сўзлар матн моҳияти ва унинг қийматига жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек сўзнинг таржима жараёнида метафорик хусусиятини йўқотишига сабаб бўлади. Натижада метафоралашган сўз ҳатто контекстда ҳам ўз моҳиятини тўлиқ намоён эта олмайди. Демак метафора хусусияти ва моҳиятининг адекват таржимасини очиб беришда матн билан биргаликда ушбу кўчим ўзида мужассам этган маданий ахборотларни ҳам англаб етиш лозим бўлади.

Ойдинки, қаҳрамон характери асардаги бошқа пер-сонажлар билан ўзаро муносабатга киришганда ўзининг бутун қирралари билан намоён бўлади. Ана шу жиҳатдан олганда асар бадийлигини белгиловчи компонентлардан бир диалогда сўзловчи, суҳбатдош ва улар ўртасидаги мулоқотга асос бўлган объект аро муносабатлар нисбатан аниқ ажралиб туради. Нутқнинг ички тўзлишида бу нисбатнинг бузилиши маълум маънода эмоционал-экспрессивлик касб этади. Бадий асар матнида қаҳрамон бошқа характер билан муносабатга киришар экан, унинг нутқи, муаллиф тавсифлари-сиз ҳам тасвирланиши мумкин. Ёзувчи тавсифлари қаҳрамоннинг тасвирланаётган вазиятдаги ҳолатини кўрсатишга хизмат қилиб, унинг нутқида очилмаган характер қирраларини тўлдиришга ҳисса қўшади. “*Бундай ҳолда*,- деб ёзади Л.И.Еремина, - *тасвир усулидаги “персонаж субъективлиги” “муаллиф объек-*

тивлиги” қиёфасини олади, баённинг ўзи эса, ўзиники бўлмаган - ўзлашган нутқни юзага келтирувчи яна бир шакл сифатида намоён бўлади». [3:82]

Бу турдаги диалоглар суҳбатга сабаб бўлган объект тўғрисидаги фикрни тўлиқ ифодалагандан кейин мавзунинг бошқа томонига муносабат билдириши жиҳатидан ҳам юқоридаги таснифнинг иккинчи бир типидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам, мазкур диалоглардаги қаҳрамон нутқи ҳажман катта бўлиши мумкин. Ўзга турдаги диалоглар эса, ўзининг лўнда ва қисқалиги билан ажралиб туради. Диалог муаллиф тавсифларисиз берилгани сабабли ўқувчи улардан ҳар бир характер учун хос бўлган гапириш оҳангини илғаб олади. Шу асосда қаҳрамон характерининг нозик кирраларини мушоҳада қилади, идрок этади. Албатта, бу тасниф нисбий ва диалогларни бошқача тарзда ҳам муайян турларга ажратиш мумкин.

Диалогнинг асосий вазифаси бадий асарда “ҳаракат қилаётган” қаҳрамонлар - кишиларнинг ўзаро муносабати, гапириш оҳанги, сўзлашувининг бевосита ифодаланишида кўринади. Ёзувчи диалогларда қаҳрамонлар характер кирраларинигина эмас, балки миллий характерни ифодалайди. Чунки, бадий асардаги ҳар қандай қаҳрамон биринчи навбатда миллий характердир. Зотан, В.Г.Белинский таъкидлаганидек: “*Ҳар бир халқ миллийлигининг сири унинг кийимларида эмас, балки нарсаларни тушуниш тарзида мутаржимланган бўлади.*” [2:443]

Бу ҳол бадий таржима мутаржимга аслиятдаги қаҳрамон кийимлари, умуман, реалияларни ташлаб кетиш, нотўғри ўғириш ёки уларни таржима мансуб халқ кийимлари, реалиялари билан алмаштириш ҳуқуқини бермаслигини аңглатади. Чунки айнан ана шу реалияларда асарнинг миллий ўзига хослиги ва миллий калорит ифодасини топади. Муҳими, қаҳрамоннинг “*нарсаларни тушуниш тарзи*”ни таржимада қайта тиклаш - миллий характерни қайта яратишдир. Демак, бу жараёнда фалсафанинг умумий, хусусий ва яқкалик категориялари ўзаро диалектик боғланиши яққол намоён бўлади.

Диалогларнинг таржимада аниқ ва тўғри қайта тикланиши ёзувчининг қаҳрамонлар нутқида илғари сураётган мақсадини аниқ, ҳаққоний чиқишини таъминлайди. Албатта, таржимон диалогни идрок этиши ва қайта тиклаши учун қаҳрамонларнинг сўзлашув жараёнидаги оҳангини ҳис қила билиши керак. Бунинг учун у даставвал характерларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб бориши, вазиятни аниқ илғаб олиб, қаҳрамон қандай характер билан мулоқотга киришаётгани, уларнинг нутқида қўлланилаётган сўзлар, оҳангларнинг қандай маъно ташиётганига эътибор бериши керак. Таъбир жоиз бўлса, у ўзини ҳар бир қаҳрамоннинг ўрнига қўя билиши лозим. Мутаржим қаҳрамон нутқи оҳангининг шароитга, вазиятга қараб ўзгаришини ҳам назардан кочирмаслиги зарур. Чунки, М.Бахтин таъкидлаганидек: “*Диалог ҳаракатнинг ибтидоси эмас, балки унинг ўзидир. У тайёр бўлиб қолган инсон характерини очиб бериш воситаси ҳам эмас, бунда инсон ўзини ташқи жиҳатдан кўрсатиб қолмай, биринчи марта ўзлигини намоён қилади...*” [1:294]

Т.Қаипбергенов “Қорақалпоқ достони” трилогиясида асар қаҳрамонларининг характерини драматик вазиятларда таҳлил қилар экан, ўша шароитдаги қаҳрамон характерларидаги маълум бир киррани ёки бутун характернинг ҳаётий эътиқодини диалогларда ёритишга интилади. Ана шунинг учун ҳам трилогияда характерлар ўртасидаги суҳбат ўзининг кескинлиги билан ажралиб туради. Айтиш керакки, ёзувчи диалогларда чиройли ўхшатишлар, образли ва ҳикматли сўзлар, мақол ва маталларни жуда ўринли қўллайди. Мутаржим Лола Тожиева муаллиф қўллаган

бундай сўз ва сўз бирикмаларининг ўзбек тилидаги айнан эквивалентини топишга, образли ифодалар, оҳангда характерни қайта тиклашга интилади.

Т.Қаипбергеновнинг маҳорати шундаки, у китобхонни ишонтирадиган, воқеалар мантиғидан келиб чиқадиган ҳаётий, ҳаққоний вазиятлар топа олади. Демокчимизки, ёзувчи қаҳрамон амалга ошириши ўйлаб қўнглига тугиб юрган нияти қанчалик зарур бўлмасин, унга ташқи омил кучли таъсир қилмагунча иккиланишлар, эътиқодий тебранишлар бўлиши мумкинлигидан, воқеалар мантиғидан келиб чиққан ҳолда қаҳрамоннинг ниятини амалга оширадиган вазиятларни тайёрлайди.

Диалогларнинг шундай тури борки, уларда қаҳрамонлардан бирининг нутқидан кейин муаллиф сўзи келади. Масалан, “... *деди Бегис*” каби. Бу турдаги диалогда қаҳрамон нутқидан кейин келадиган “*деди*” сўзи характернинг психологик воқеа-вазиятдаги қандайдир ички ҳолатини ифодалашга қаратилган бўлади. Бу сўзнинг вазифаси худди шунда намоён бўлади. Агар таржимон уни ташлаб кетса, ҳолат мавҳум бўлиб қолади.

Т.Қаипбергенов қаҳрамонларни диалогларда тўқнаштирар экан, нутқида қўлланилган сўзларда уларнинг мавқеи, ижтимоий ўрни, билими ва бошқа хусусиятларни ифодалайди. Жумладан, “*Бахтсизлар*”да Ойдўсбий, Ёсенгелди ва бошқа қаҳрамонлар тилида ёзувчи ўзбекча сўзлар ишлатар экан, бу билан улар Хивада таълим олгани, улар дунёқарашига шаҳарнинг таъсири кучли бўлгани кўрсатилади. Масалан, Ойдўсбий қўнглига тугиб юрган қорақалпоқ хонлигини тузишдан олдин уруғ бийларини “*Маслаҳат уйи*”га кенгаш учун чақиради ва ниятини баён қилади. Шунда у уруғ бийларининг кескин қаршилигига учрайди. Шунга қарамасдан, Ойдўсбий ўзини жуда босиқ тутати.

Аслиятда:

“ - *Ҳа, еле сизге сарай-эм керек болар?*

- *Сарайсыз хан - ишине топан тығылган тулып, бирөдар,-деди Айдос.*

- *Ҳэ, енди ләшкер-эм керек дерсиз?*

- *Ләшкерсиз хан ҳаремсиз ҳасыл бағдың бағманы, бирөдар, -деди Айдос.*

- *Ҳа, оған ылайық қырық-қыз керек дерсиз?*

- *Ойын-зауықсыз сарай-мазарыстан, бирөдар,-деди Айдос.*

- *Ҳа, сизге кәрўан-эм керек болар?*

- *Саўда сатықсыз хан - атаўда қалған қоян, бирөдар,-деди Айдос.*” [9:2.67]

Таржимада:

“ - *Ҳа, ҳали сизга сарой ҳам керак бўлар?*

- *Саройсиз хон - ичига самон тикилган қанорнинг ўзи, бирөдар,-деди Ойдўс.*

- *Ҳали лашкар ҳам керак дерсиз?*

- *Лашкарсиз хон ҳарамсиз боғнинг боғбони-да, бирөдар!-деди Ойдўс.*

- *Эҳ-ҳа, ҳарамга муносиб қирқ қиз ҳам керак дерсиз?*

- *Ўйин-кулгисиз сарой - мозор, бирөдар.*

- *Ҳа, ҳали карвон ҳам керак бўлар.*

- *Савдо-сотиксиз хон - оролда қолган қуён, бирөдар,-деди Ойдўс.*” [8:2.78]

Келтирилган мисолда ёзувчи Ойдўсга зарба беришга интилаётган кишиларнинг аниқ башаралари, ҳаракатларини чизмайди ва қаҳрамонлар нутқидан кейин уларга тавсиф бермайди. Тузилиши жиҳатидан бу диалог қўповозли бўлиб, битта объектга, яъни Ойдўсбайга қаратилган. Фақат Ойдўсга берилаётган саволларнинг бошида “*Ҳа*”, “*Эҳ-ҳа*” - кесатик, пичинг маъноларини ташиётган сўзлардан саволларни бир неча киши бераётганини билиб оламиз. Улар нутқида Ойдўсга қарата “*сиз*” олмошининг қўшиб айтилиши

бир томондан, ҳурмат маъносини ифодаляётгандек туюлса-да, аслида кесатик, пичинг тарзида билан қаранглайди. Таржимон ҳам Ойдўсга бир неча киши саволлар ёғдираётганини кўрсатиш учун уларнинг бошида “*Ҳа*”, “*Ҳали*”, “*Эҳ-ҳа*” каби сўзларни ишлатади ва улардаги пичинг, кесатикни аслиятдагидек ўгиради.

Ойдўс бийларнинг саволларига ўта босиклик ва вазминлик билан ўхшатишларда жавоб берар экан, сўзининг охирида “*биродар*” деган мурожаат сўзини қўллайди. Ёзувчи бу сўзни қахрамон нуткида келтиради. Бу билан Ойдўсбийга, унинг дунёкараши ва нутқида Хиванинг катта таъсири мавжудлигини бийларга, уларнинг кесатикларини ички сезгилари билан ҳис қилса ҳам, ҳурмат билан мурожаат қилаётганини кўрсатади. Худди мана шу психологик вазиятда Ойдўсбий ўзини ташқи ва ички томондан ўта босик, вазмин тутаётгани фақат унинг нутқидаги “*биродар*” сўзи ва жумла оҳанги эмас, балки ёзувчининг “*...деди Ойдўс*” ишораси орқали ҳам ойдинлашади. Таржимон уни бир ўринда ташлаб кетса ҳам, бунини ўқувчи ҳис қилади. Мутаржим ўзбек тилидаги эквивалент сўзларни топиб, қахрамонлар нутқидаги пичинг, кесатикни, Ойдўс тилидаги ўхшатишларни, такрорланиб келувчи сўзларни аниқ таржима қилишга, муҳими, қахрамонлар характер қирраларини қайта яратишга эришган.

Таржимада йўл қўйилган жузъий нуксонлардан бири аслиятдаги “*...ҳаремсиз ҳасыл бағдың...*”ни таржимон “*...ҳарамсиз боғнинг...*” деб нотўғри ўтирган. Чунки қорақалпоқ тилидаги “*ҳарам*” сўзи ўзбекча “*ҳарам*”га мутлақо мос келмайди. “*ҳарам*” ўзбек тилида муқаддас, кириш тақиқланган жой ва ҳовлининг аёллар учун ажратиб қўйилган қисми, ичкари маъносини англатса, қорақалпоқ тилидаги “*ҳарем*” тузилиши жиҳатидан ўхшаса ҳам, “*қўргонсиз боғ*”, “*чорбоғ*” маъносини беради. Демак, таржимон бу жумлани “*...қўргонсиз боғнинг...*” деб ағдариши зарур эди. [7:687]

Таржимон диалоглар ривожини, илгари сурилган ғоялари ва характерлараро муносабатлар қарама-қаршилигини, курашини чуқур ҳис қила билиши зарур. Акс ҳолда таржимада мантиксиз диалоглар юзага келиши мумкин. Бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги мисолни таҳлил этиш муҳим. Л.Тожиева аслиятни тушунади, бироқ диалоглардаги қахрамонлар нутқи ривожини ва фикрлар оқимини, муносабатлардаги нозик қирраларни ҳаммаша ҳам ҳис қилавермайди.

Аслиятда:

“*- Беис, тусин, баўйрым. Қумырсақага бир тамши суў ҳам теңиз. Төремурут суўны мисли қумырсақа. Оган Қоңырат қаласы ҳам ханлық!*

- *Қанәт жақсы!*

- *Олай емес! Оныки кимге болса да тек ҳукимдарлық қылыў. Ханлық халыққа керек. Халық аз ба, көп бе, парқы жоқ, өз алдына ханлық, алыўы лазым...*” [9:2.241]

Таржимада:

“*- Беис, тушун, жигарим. Қумурсқага бир томчи сув ҳам денгиз. Тўрамурот сўфи бамисоли қумурсқа. Унинг учун Қўнгирот шаҳри ҳам хонлик.*

- *Алжисма!*

- *Ундай эмас! Унинг мақсади ҳукмдорлик қилиш. Хонлик халққа керак. Халқ озми, кўпми-фарқи йўқ, ишқилиб хонликка эришиши лозим...*” [8:2.280].

Бир-бирига боғланмаган, Ойдўсбий билан Бегис ўртасидаги бу диалогни ўқиган ҳар қандай китобхон таажубланиши табиий.

Асардаги воқеалар ва қахрамонлар (Ойдўсбий ва Бегис) муносабатлари охириги чўққига етган. Қўнгирот ҳокими лашкар тортиб келган. Хива хони

Ойдўсбийнинг қўли билан Бегисни ўлдирмоқчи. Қорақалпоқ уруғлари ва Қўнгирот ҳокимлигини ўзига қарам қилмоқчи. Тўрамурот сўфи эса аксинча, укасининг қўли билан Ойдўсбийнинг бошини танидан жудо қилмоқчи. Шу йўл билан ундан кутулиб, барча уруғларни ўзига бўйсиндирмоқчи. Хон ва ҳокимнинг мақсадлари ўзаро уйғун.

Лашкарбоши Муҳаммаджон бекнинг назари хонда. Дахшатли жанг майдонида олишяётган Ойдўс ва Тўрамурот сўфи эса Бегиснинг ҳаракатларини кузатиб турибди. Жанг майдонида от чоптираётган Ойдўсбий Бегисни кувиб етиб, қорақалпоқ хонлигини тузиш ниятини тушунтиришга яна бир қарра интиляпти. Бироқ Ойдўсбий Бегисни, Бегис эса акасини тушунишни истамайди. Таржимон воқеалар ва муносабатлар чигаллигини идрок этади ва айни диалогни беҳато ўгиришга интилади. Лекин диалог таржимасида икки хил қарама-қаршилиқни кўрамиз. Бу зиддият Бегиснинг Ойдўсбийга айтган “*Алжисма!*”, - деган гапида кўринади. Бегиснинг бу сўзини Ойдўсбийнинг кейинги гапига боғламай олиб қаралса, таржимон аслиятдан ошириб ўтирган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки ака-укалар ўртасидаги муносабат чигаллашиб, қондошлар орасидаги ҳурмат ва одоб муносабати йўқолиб кетган лаҳзада Тўрамурот сўфини аёвсиз фош этган Бегис дунёкарашига зид келадиган Ойдўсбий нутқида Бегиснинг шундай жавоб бериши ниҳоятда табиий ва кейинги воқеалар ривожини учун ягона далил вазифасини бажариши мумкин. Бегиснинг бу хитобини Ойдўсбийнинг кейинги гапига боғлаб кузатсак, юқоридаги фикрлар тамомила ўзгаради. Чунки Бегис укалик ҳурматини йиғиштириб, акасининг шахсияти, нафсониятига тегиб гапириши ва Ойдўсбийнинг: “*Ундай эмас*”, -деб жавоб бериши унинг характерига “*ёпишмайди*” гина эмас, балки, диалог оқимида ҳам мос келмайди.

Аслида Бегис: “*Қанәт жақсы!*”, -дейиши билан Тўрамурот сўфига ҳайрихоҳлигини яна бир қарра кўрсатиб, унинг ҳаракатларини, мустақил ҳокимлик тузиш ишларини маъқулляпти. Таржимон Бегиснинг гапини Ойдўсбий нутқида боғлаш учун бу жумлани тўғри ўтириши лозим эди. Қорақалпоқ тилидаги “*қанәт*” сўзи ўзбекчада айнан “*қаноат*” маъносини беради. Кўринадики, икки тилдаги бу сўз, баъзи орфографик ва фонетик ўзгаришларига қарамасдан, шаклан ва маъно жиҳатидан яқин. Демак, аслиятдаги бу сўзни мутаржим тўғридан-тўғри таржима қилиши мумкин эди. Шунда жумла аслиятдаги диалог оқимида мос келарди. Бу ерда иккита имконият мавжуд эди. Биринчидан, таржимон Бегиснинг хитобини сақлаб қолмоқчи бўлса, Ойдўснинг нутқини аслиятга нисбатан ўзгартириб, ундан ошириб таржима қилиши мумкин эди. Иккинчидан, Ойдўсбийнинг гапини қолдирмоқчи бўлса, унда Бегиснинг хитобини сўзма-сўз ўтириши зарур эди.

Трилогия аслияти ва таржимасини муқоясаси шуни кўрсатадики, бир қарашда, мутаржим матнни сўзма-сўз таржима қилган, деб ўйлаш ва шундай хулосага келиш мумкин. Бу билан дабдурустдан таржимон ҳеч қандай ижодийликка эриша олмаган экан, мутаржим ижодий меҳнат қилмабди-да, деган тасаввур пайдо бўлмаслиги керак. Қардош тилларда туркий сўзлар орфографик жиҳатдан фарқ қилса ҳам, маъно томонидан яқинлашиши ҳам узоқлашиши ҳам кузатилади. Масалан, қорақалпоқчадаги “*узақ*”, “*кейин*”, “*мыйығында*”, “*қулки*” ва ҳоказолар, ўзбек тилида “*узоқ*”, “*кейин*”, “*мийиғида*”, “*қулги*” сифатида қайта қаранглай олади. Бу яқин тиллардан таржима қилиш осон, деган гап эмас. Таржимашунос В.П.Рагойша қайд қилганидек: “*Тилларнинг яқинлиги бадиий таржима жараёнини бирмунча енгиллатади. Бу яқинлик ўзига хос, узоқ тиллардан таржимада учрамайдиган*

муаммоларни келтириб чиқариши ҳам сир эмас.” [6:50-51]

Қардош тиллардаги бу хусусият таржима жараёнида фақат сўзма-сўз эмас, балки ҳарфма-ҳарф ўгириш имкониятини тўғдириши мумкин. Бу ҳодиса В.П.Райгошанинг юқоридаги фикри тўғри экани исботи, десак янглишмаймиз. Демак, белорус-украин поэтик таржималарини тадқиқ этган таржимашуноснинг мулоҳазалари қорақалпоқчадан ўзбек тилига қилинган таржималар учун ҳам мос келаркан. Чунки рус-украин ёки украин-белорус тиллари ўзаро қанчалик яқин бўлса, қорақалпоқ ва ўзбек тиллари ҳам бир-бири билан шунчалик яқин, қардошдир.

Белорус ва украин ўзаро поэтик таржималарини илмий тадқиқ этган тадқиқотчи Э.Мартинова сўзма-сўз таржимани фақат анъанавий тарзда тушунмасликни ва ҳақиқий ҳарфхўрликдан “мажбурий сўзма-сўзликни яқин тиллардан таржиманинг хусусияти” сифатида талқин этишни таклиф қилади. [5:22]

Лекин сўзма - сўз ёки ҳарфма-ҳарф таржима фақат яқин тиллар учунгина хос эмас. Шу боис, қардош тиллардан таржимада сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф атамаларни, биз муайян сўзни ўша сўз билан таржима қилиш маъносида ишлатишимиз лозим, деб ўйлаймиз.

Демак, бадий асарда диалог характери намоён қилувчи хусусий компонент сифатида кўринади ва уни таржимада қайта тиклаш қаҳрамон характери, унинг инжа қирралари тўлақонли чиқишини таъмин этади.

Адабиётлар

1. Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. -Москва.:1979
2. Белинский В.Г. Полное собрание сочинений. В 13-томах. Том 7, -Москва.: 1953
3. Еремина Л.И. О языке художественной прозы. -Москва.: 1987
4. Кухаренко В.А. Интерпретация текста, -Москва.: 1988
5. Мартынова Э.М. Беларуско-украински поэтычый взаемапераклад. -Минск.: 1973
6. Рагойша В.П. Проблемы перевода с близкородственных языков. -Минск.: 1980
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2 томлик. 2-том. -Москва.: 1981
8. Қайипберенов Т. Сайланма. Уч жилдлик. Қорақалпоқ достони. 1-2-3-жилдлар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
9. Қайипберенов Т. Шығармалары. Бес томлык. 1-2-3-томлар. -Нөкис.: Қарақалпақстан баспасы.1979

РЕЗЮМЕ

Мақолада бадий асар қаҳрамонининг руҳий ҳолати таъсирида юзага келган бадий компонент – диалоглар ва уни таржимада қайта яратиш масаласи тадқиқ этилган. Хусусан, диалогларда қаҳрамон характери қирралари намоён бўлиши ва у хис-ҳаяжон, туйғу билан боғлиқлиги назаридан диалог-вазият, диалог-характер, диалог-миллий характер йўналишида ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуются художественный компонент - диалоги, возникающие под влиянием психологического состояния героя и способов их воспроизведения при переводе. В частности, изучаются проявления характера героя в диалогах и с точки зрения того, что это связано с эмоциями или эмоциональным состоянием героя, они анализируются в аспектах диалог-ситуация, диалог - характер, диалог- национальный характер.

SUMMARY

The article explores the artistic component - dialogues that arising under the influence of the psychological state of the hero and ways of their reproduction in translation. In particular, the manifestations of the hero's character traits in dialogues were studied and from the point of view of their connection with emotions or emotional state of the characters, they are analyzed in the aspects of the dialogue-situation, dialogue-character, dialogue-national character.